O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 19-noyabr • Shanba • 141 (27.476) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Шарҳ

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

### ЭНГ ИШОНЧЛИ, БЕҒАРАЗ, БЕМИННАТ ҲАМКОРЛИКДИР

Давлатлараро муносабатларда ҳамкорликнинг турлари кўп. Уларнинг аксариятидан бир қолипда фойдаланилмоқда. Давр ўзгариб, халқаро ҳаёт мураккаблашиб, геосиёсий ва бошқа манфаатлар кучайиб боргани сари давлатлар ўртасида муносабатлар ўрнатишда ҳамкорликнинг янги қирралари намоён бўлмоқда. Бир неча кун олдин Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳам халқаро алоқаларда янгилик бўлди.

Тўғриси, шартноманинг ўзидан кўра кўпроқ «иттифоқчилик» деган иборанинг атрофида мунозаралар бўлиб турибди. Баъзи бировлар буни ўзларича талқин қилиб, собиқ иттифоққа ёки Россия — Белорусия иттифоқига қиёслаётган ҳолатлар ҳам бор. Бу мутлақо нотўғри талқин. Бу ерда иттифоқчилик деганда энг яқин, энг ишончли, чинакам дўстона, беғараз, беминнат деган маънони англаш керак. Аслида буни 2004 йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми, ана шу шартнома қоидаларини ҳаётга изчил жорий этиш мобайнида пайдо бўлган ўзаро ишонч ва таянчнинг самараси деб тушуниш керак. Агар ўтган даврда ўзаро ишонч ва таянч муҳити яратилмаганида бугунгидай юксак даражадаги иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилмаган бўларди. Агар масалага халқаро ҳамда давлатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, шубҳасиз, бизнинг Россия билан бугунги кундаги ҳамкорлигимиз ҳавас қиладиган даражада.

Бироқ бунга ҳасад қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Одатда, ҳасад қиладиганлар аразчи бўлишади. Араз эса ғаразга йўл очади. Баъзи бировлар томонидан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома нотўғри талқин қилинаётганлиги боиси шундан. Санамай саккиз дейиш аламзадаликка хос. Биз стратегик ҳамкорликни ўз йўриғига юритиш деб тушунадиганлар билан ҳам алоқа қилиб кўрдик. Барибир танаси бошқа дард билмас экан, ўз билганидан қолмади, ҳакамлик ва ҳукмронлик даъвосини қилаверди. Хуллас, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан.

Ана шундай бир пайтда биз ўзимиз билан тенг, бир даражада, бир мақомда, бир оҳангда гаплашадиган шерик, елкадош, таянч, иттифоқчи изладик ва уни топдик. Бироқ арава ҳам, ашула ҳам ўзимизники бўлади. Биз ўз аравамизни ўзимиз тортамиз, ўз сўзимизни ўзимиз айтамиз, ўз йўлимизни ўзимиз белгилаймиз. Фақат бизга яхши-ёмон кунларда елкадош бўладиган ишончли ҳамкор керак эди, биз уни танладик. Одатда, синовдан ўтган дўст қайта-қайта синалмайди. Бизнинг муносабатларимиз энди иттифоқчилик талаблари асосида беғараз ва беминнат бўлади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Иттифоқчилик муносабатлари ўрнатишга икки томон бирдай интилди, ҳаракат қилди. Бунинг учун қулай имкониятлар бор эди. Аввало, бизнинг кўпгина халқаро масалаларга, умуман, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ёндашувларимизда ўхшашлик ва яқинлик бор. Ўзбекистон юритаётган мустақил ташқи сиёсатни Россия қадрлаётгани каби кўп ҳолларда бу мамлакат долзарб халқаро муаммоларга ёндашувда холис йўл тутаётганлиги Ўзбекистон эътиборига сазовор бўлмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз эса юқори поғонага кўтарилди. Кейинги бир-бир ярим йилда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлигимиз изчил йўлга қўйилди. Шунингдек, халқларимиз ўртасида шаклланган кўп йиллик дўстона алоқалар икки давлат, икки халқни бир-бирига тобора яқинлаштиришда муҳим омил бўлди. Биз шундай мустаҳкам дўстлик ипини боғладикки, ташқаридан бўладиган ҳар қандай хуружларга — хавф-хатарларга ҳам энди биргаликда курашамиз. Бу ҳолат шартноманинг алоҳида моддасида қайд қилинган. Ҳатто ҳарбий иншоотлардан ҳам биргаликда фойдаланилади.

Ҳозир хорижнинг, шу жумладан, Россиянинг баъзи бир оммавий ахборот воситаларида АҚШ чиқариб юбориладиган Хонобод ҳарбий базаси атрофида шов-шувлар кўтариляпти. Айни пайтда бу гап-сўзлар ҳеч қандай расмий асосга эга эмас. Чунки Россия ҳукумати ҳам, Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу ҳақда расмий баёнот берганлари йўқ. Шартномада зарур бўлиб қолган тақдирда томонлар барча ҳарбий объектлардан биргаликда фойдаланишлари кўзда тутилган.

3-бет

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!





## КОРХОНАДА СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

«Намангантекстиль» акциядорлик жамиятида кейинги пайтда сезиларли ўзгаришлар кузатиляпти. Бунда, албатта, жамоанинг ҳамжиҳатлиги, маҳсулот сифати ва иш унумига катта аҳамият қаратилаётгани сабаб бўлмоқда.

Корхонада жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида натура ҳолатида 4645 тонна ўрнига 4713 тонна ип йигирилди. 16097 минг погонн-метр хом тўқима ишлаб чиқарилди, тайёрланган тайёр газлама ҳажми эса 16306 минг погонн-метрни ташкил этди. Шартнома асосида 19390 минг квадрат метр энли газлама буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, 336 минг погонн-метр кўйлакбоп газламалар тайёрланди.

Маҳсулот экспорти бўйича ҳам қувонарли натижаларга эришилдики, бу четдан янги техника ва технологиялар сотиб олишга кенг имконият яратди. Бошқача қилиб айтганда, йилнинг ўтган даврида 2405,6 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Бугун корхонада 5330 нафар йигирувчи, тўқувчи ва бошқа ўнлаб турли касб эгалари самарали меҳнат қиляпти. Яна қўшимча ишчи ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Гулбаҳор Мамадалиева, Маъсуда Умрзоқова, Саида Саттарова, Дилрабо Рамазонова, Матлуба Умарова, Нурхон Йўлчибоев, Зулфия Эрназарова, Мунаввар Акбарова каби турли касб эгаларининг сидқидил меҳнатлари эвазига маҳсулот сифати тубдан яхшиланиб, ҳажми ортаяпти.

✧✧✧

**Суратларда:** корхона цехларидан бири; ишчилар Матлуба Умарова, Нурхон Йўлчибоева ва Зулфия Эрназарова.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

### Р.Э.Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Руслан Эркинович Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 18 ноябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

### Қ.Ғ.Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимидан озод этиш тўғрисида

Қодир Ғафурович Ғуломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 18 ноябрь

Парламент фаолияти

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур гуруҳ бир қанча соҳаларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада ошириш бўйича фаол иш олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлатимиз миллий манфаатларини олға суриш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан ташкил этилган эди.

Йиғилишда тажриба алмашиш ҳамда савдо-иқтисодий, инвестиция, фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналиш ва шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Ана шулардан келиб чиқиб, гуруҳ таркибида учта кичик гуруҳ ташкил этилди. Бундан ташқари, йиғилишда Олий Мажлиснинг Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳамкорлик бўйича гуруҳ аъзоларининг ўзаро вазифалари тақсимланиб, тегишли масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

## ЧЕГАРА — МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йили мобайнида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда давлат чегарасини қўриқлаш учун яратилган шароитлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг чегара қўшинларига, давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув органларига кўмаклашиши, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилишда ва қўриқлашдаги иштироки ҳамда бошқа муаммолар ҳақида фикр юритилди.

«Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни қатъий амалга оширишда тегишли ташкилотларнинг фаоллиги, чегара зоналарига яқин жойларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг ҳушёрлигини оширишга, жавобгарликни ҳис этишларига катта эътиборни қаратиш зарурлиги қайд қилинди ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш режалари кўриб чиқилди.

**Равшан ШОДИЕВ**

ХДП ҳаёти

## МУАММО БОР ЭКАН, ЕЧИМИ ҲАМ БОР

### ҚАШҚАДАРЁДА ЎТКАЗИЛГАН СЕМИНАРДА БУ ФИКР АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Воқеалар шиддат билан кечаётган бугунги даврда депутатнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаши катта аҳамиятга молик. Қаршидаги Сайидо Насафий номли марказий кутубхонада «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуига бағишлаб ўтказилган, вилоят, туман, шаҳар кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, депутатлар гуруҳлари ва маҳаллий партия кенгашлари раҳбарлари иштирок этган икки кунлик семинарда бу фикр алоҳида таъкидланди.

Дастлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўми аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н.Каримовнинг «Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва устуворликларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали амалга оширишнинг асосий йўналиши, шакл ва услублари» мавзуидаги маърузаси тингланди. Маъруза ҳамда ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А.Ўринбоевнинг ахбороти катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Чунки сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун партия Дастурини ва айрим қонунларни ўқиб-ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўз олий мақсад ва устувор йўналишларини белгилаб олган партиямиз аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган қонунлар қабул қилинишидан манфаатдор. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ана шу қонунлар ижроси учун курашадилар.

Семинарда вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси О.Қобилов «Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ваколатига кирувчи масалалар, уларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига кўриб чиқиш учун киритиш тартиби», вилоят адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси А.Бегимов «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия вакиллари фаолиятининг ҳуқуқий меъёрий асослари», фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали раҳбари Т.Чориев «Ҳозирги босқичда диний экстремизмнинг ривожланиш тенденциялари ва таҳдидлари» мавзуларида маъруза қилишди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Масалан, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, сенатор Муродулла Нормуродов «Фуқаролик мурожаатларига доир қонун билан белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлашда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг роли» ҳақида гапирар экан, аниқ мисолларни келтирди. У кишининг айтишича, инсон ҳуқуқлари институтининг вилоят минтақавий вакиллигига 2003 йилда 24 та, 2004 йилда 79 та, шу йилнинг ўтган даврида 50 та шикоят тушибди. Уларнинг 34-35 фоизи ижобий ҳал қилинибди. Сенатор маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ахборот алмашиш, фуқаролар мурожаатларини ҳал қилишда ҳамкорлик таклифини олдинга сурди.

Аҳолининг бандлик масаласи бугун кўплаб муаммоларнинг калити, ижтимоий барқарорлик асосидир. «Фуқаролик йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ишини ташкил этиш» хусусида гапирган вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримовага вилоятда аёлларни иш билан таъминлаш борасида анча савол тушди. «Давлат инвестиция сиёсатининг мамлакат минтақаларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги устуворликлари» ҳақида гапирган Давлат мулкини бошқариш вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўктам Нусуров воҳадаги 336 та саноат корхонаси 76 фоиз ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланаётгани, 2005-2007 йилларда 460 миллион АҚШ долларига тенг 78 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши, бу ўз навбатида анча янги иш ўринлари яратилишига олиб келишини таъкидлади.

Бугунги қишлоқда маълум муаммолар юзага келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зоир Эшнаевга шундай савол берилди: «Айни пайтда вилоятда 17 мингдан ошиқ фермер хўжалиги тузилди. Бунинг оқибатида қанча киши ишдан бўшаб қолди?» Унинг айтишича, 31 минг киши ишсиз қолган, аммо янги иш ўринларини яратишга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, имтиёзли кредитлар ажратилмоқда, чорвачилик, миллий ҳунармандчилик, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Хуллас, халқ ишонган депутатларнинг ҳам, партиямизнинг ҳам олдида муҳим вазифалар турибди. Энди айрим муҳим мулоҳазаларга тўхталсак.

**Олим РАВШАНОВ, ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:**

— Кўряпмизки, депутат бўлиш осон эмас. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатларининг мақоми» тўғрисидаги қонун лойиҳасига «Депутат партия олдида ҳисоб бериб туришга мажбур» деган банд киритилишини таклиф қилгандик. Афсуски, қонунда «алоқа боғлаб туради» шаклида қабул қилинди. Бироқ айрим депутатларимиз партияга ҳисоб беришдан қочар экан, бунга муроса қилиб туролмаймиз.

**Муродулла НОРМУРОДОВ, сенатор:**

— Бугунги сиёсий жараёнлар билан ҳамнафас бўлиб, партиянинг мақсад ва вазифаларини тўла англаб боришнинг энг муҳим воситаси — матбуот. Масалан, «Ўзбекистон овози» газетаси яхши чиқаяпти, партия ҳаётини изчил ёритишга ҳаракат қилаяпти. Газетани қўллаш, обунасини кўпайтириш лозим.

**Насимқул КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугунги семинарнинг шундай жонли мунозара руҳида ўтганидан хурсандман. Аъзолик бадалларини тўплаш, янги партия билетини алмаштириш тартиблари юзасидан ҳам жўяли мулоҳазалар билдирилди. Партия нашрлари обунаси эса жуда ҳам муҳим. Энди асосий масалага келсак, ўз ҳуқуқини билган депутатгина фаол ҳаракат қилишга, ташаббус кўрсатишга қодир. Жойларда муаммолар кўп. Аммо уларнинг ечимлари ҳам мавжуд. Уларни биргаликда топайлик.

*Шу куни партия МКнинг «Эҳтиром китоби»га номи киритилган Касби туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалиги раиси З.Асроровга гувоҳнома ва бир қанча фаолларга эсдалик совғалари ҳам топширилди.*

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП барча вилоятлар партия кенгашлари раислари диққатига!

## ОБУНА — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати «Ўзбекистон ХДП ташкилотларида партия марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун обунанинг бориши ва уни яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати партия нашрларига 2006 йил учун обуна мавсумининг бориши ҳақида «Матбуот тарқатувчи» АК ва вилоятлардан олинган тезкор маълумотларга таяниб шуни қайд этадики, дастурий ғояларимизни аҳоли, хусусан ўз электоратимиз ўртасида кенг тарғиб қилинишида муҳим ўрин тутувчи партия марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига партия ташкилотлари ва фуқароларни обуна қилиш жараёни жуда суст бормоқда. ХДП кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари ва аъзоларининг умумий сонидан келиб чиқиб, партия нашрларига обунани ташкил этиш бўйича белгиланган режани бажариш учун қатъийлик кўрсатмаяптилар. Бу ҳол, айниқса, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоят, Тошкент шаҳар кенгашларида ташвишланарлидир. Мазкур вилоятларда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига 2006 йил учун аҳоли барча қатламлари орасида обунани оммавий ташкил этиш, бу жараёнга партия хайрихоҳлари ҳамда ҳомийлар кўмагини жалб қилишда партия ташкилотларининг роли сезилмаётир. Оқибатда партия нашрларига обуна мавсуми самарасиз бўлиши, бу муҳим ишни ташкил этиш учун мавжуд бўлган қулай имкониятлар бой берилиши мумкин, деб таъкидланади қарорда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун обунанинг боришини қониқарсиз деб топди ва бунда ХДП вилоят кенгашлари аксариятининг обуна мавсумига етарлича тайёргарликсиз келганлиги, ташаббуссизлиги, бу муҳим ишни ўз оқимига ташлаб қўйганликлари сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Партия нашрларига обуна мавсумини ташкил этишдаги сусткашликка йўл қўйганликлари, мавжуд имкониятларни сафарбар этмаганликлари учун Ўзбекистон ХДП Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоят кенгашлари раислари Т.Аҳмедов, А.Қўчқоралиев, К.Исобеков, М.Исоков огоҳлантирилдилар.

Қарорда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларига ҳам обуна мавсумининг боришида юзага келган ташвишли аҳволни тезкорлик билан чуқур таҳлил этиб, уни ўнглаш чора-тадбирларини белгилаш ва мавжуд имконият ҳамда воситаларни ишга солиш вазифалари юклатилди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашларига обуна мавсумида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, партия марказий матбуот нашрларига 2006 йил учун белгиланган режа ва назорат рақамларини бажариш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар белгилаш топширилди. Бу муҳим сиёсий ишга ХДПдан сайланган депутатлар, партиямиз сафларидаги тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, савдогар-тижоратчилар, давлат идоралари ходимлари, корхона, хўжалик, ташкилотлар раҳбарлари, оқсоқоллар, бошқа мансабдор шахсларни жалб этиш йирик бошланғич партия ташкилотларининг салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги **«Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмаси** жойлардаги партия кенгашларида ҳам шундай ёшлар ташкилотини тузиш тадбирларини давом эттирмоқда. Куни кеча Чилонзор тумани партия кенгаши қошида «Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмаси бўлимини тузишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ёшлар экологик бирлашмасининг таъсис қурултойига делегатлар сайланиб, иш режалари белгилаб олинди.

**Сурхондарё вилоят кенгаши** томонидан Қизириқ туманидаги 18-сон умумий ўрта таълим мактабида «Ўзбекистон ХДП — мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти» мавзуида ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида «давра суҳбати» ташкил қилинди. Тадбирни мактаб директори, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати Гулбаҳор Аннаматова олиб борди ва партиянинг дастурий ғоялари, меҳнат аҳлининг, айниқса, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида белгиланган мақсадлари ҳақида гапирди. «Давра суҳбати»да сўзга чиққан ўқитувчилар партия Дастурини бажариш Ўзбекистон ХДП ҳар бир аъзосининг бурчи эканлигини таъкидладилар.

**Жиззах шаҳар кенгаши**да «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш — ҳозирги босқичда бунёдкорлик ўзгаришларининг бош мақсади» мавзуида «давра суҳбати» ўтказилди.

**Зарбдор туман кенгаши**да бошланғич партия ташкилотлари раислари, маҳалла фаоллари билан партия билетларини алмаштириш ва қайта рўйхатдан ўтказишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ФАОЛЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ

**ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашида бўлиб ўтган семинар «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуига бағишланди.**

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, фракция раиси Аслиддин Рустамов «Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва устуворликларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлар гуруҳлари орқали амалга оширишнинг асосий йўналиши, шакл ва услублари» мавзуида маъруза қилди. Партиямиздан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Ражабовнинг «Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида ислоҳотлар сиёсатининг ижтимоий жиҳатлари» борасида олиб борилаётган ва олиб борилиши лозим бўлган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиеванинг «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ишини ташкил этиш» тўғрисида, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Жамшид Субҳонқулов «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия вакиллари фаолиятининг ҳуқуқий меъёрий асослари, партия депутатлар гуруҳлари ташкил этиш тартиблари, ҳуқуқ ва ваколатлари» тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

**Эрдош АҲАДОВ, ЎзХДП аъзоси:**

— Семинарда кўтарилган масалалар жуда долзарб. Партиямиздан сайланган депутатлар партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, юрт ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилмоқликлари лозим. Бугун жамиятимизда барча масалалар тўкис ҳал этилган дейишдан йироқмиз. Биргина ўзим яшаб турган Пайариқ тумани мисолида кўрадиган бўлсак, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига доир маҳаллий ҳокимлик томонидан олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Туманда бирорта қўшма корхона ташкил этилмаган. Чет эл инвесторларини жалб этиш туман раҳбарларининг хаёлида борлигига ҳам шубҳам бор. Янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси туман маркази Пойариқ қўрғонида оғир аҳволда. Қишлоқ хўжалигида юқори кўрсаткичларга эришилаётган туманда мутасадди раҳбарлар эътиборини бу томонга ҳам қаратиш керак. Бунда депутатларнинг роли катта деб ўйлайман. Минбардан туриб чиройли гапларни гапириш вақти ўтаяпти. Ҳозир амалий ишга киришилмас экан, эртанги кунда фарзандларимиз биздан норизо бўлмоғи тайин.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси:**

— Кейинги бир йил ичида ХДП фаолиятида кескин бурилишлар бўлди. Янги Дастур қабул қилинди. Жамиятга ўзининг ижобий самарасини берадиган тадбирлар ўтказилмоқда. Бўлиб ўтган семинарда депутат олдида турган вазифалар, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида фикрлар айтилди.

Шунингдек, семинарда вилоятда иш билан бандлик ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш, чет элга иш қидириб кетаётган хотин-қизларимизнинг ижтимоий муҳофазасига доир масалалар ҳақида депутатлар, маърузачилар атрофлича фикр-мулоҳаза, таклифлар билдиришди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғидаги касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши вакилларининг хотин-қизлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Халқ таълими ва тиббиёт ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари қатнашган давра суҳбатини вилоят партия кенгашининг раиси Абдурашид Убайдуллаев очди.

## АЁЛЛАР ВА ҚИЗЛАР ДАВРАСИДА

— Жамият оиладан бошланади. Оиладаги фарзандлар тарбияси, ота-онанинг ўзаро муносабати, уйдаги муҳит, рўзғор юритишдаги тутумларимиз ҳаммаси бевосита сиёсат, — деди учрашувда иштирок этган ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулруҳ Аъзамова. — Барчамизнинг ягона мақсадимиз тинчлик, фаровон ҳаёт кечириш, фарзандларимиз орзу-ҳавасини кўриш экан, бу борадаги мавжуд муаммоларни биргаликда бамаслаҳат ва ҳамжиҳатлик билан ҳал этишимиз зарур.

Учрашувда «Оқава» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раҳимахон Сотволдиева, «Ўртақишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Муҳаррамхон Жаннатова, вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Дилором Абдураҳимова, ХДП вилоят кенгаши раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Дилором Сайфиддинова, туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Маъсудахон Бегматова, туман партия кенгашининг раиси Орифжон Охуновлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Иштирокчилар учрашувни уюштирган ЎзХДП вакилларига миннатдорчилик билдириб, шундай самимий суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилишини таклиф қилдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# БАНКРОТЛИК — ЯНГИ ИНСТИТУТ

### У ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР АМАЛИЁТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ ТИЗИМИДА, ХУСУСАН, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

Корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолса, у банкрот бўлиши, табиий. Банкротлик эса нафақат мулк эгасининг манфаати, балки кредиторлар, меҳнат жамоаси, ҳамкорлар ва бошқа шахслар учун ҳам салбий оқибат келтириб чиқаради. Банкротликка тушиб қолмасликнинг ягона йўли — ҳалоллик, иш фаолиятини тўғри танлаш ва солиқ тушумларини ўз вақтида тўлаб боришликдир. Ноқонуний ҳаракат эса корхонага фойда келтириш ўрнига зарар етказади.

Таъкидлаш жоиз, давлатимизда банкротликка оид бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганки, уларга қатъий риоя этилган тақдирдагина, хўжалик юритувчи субъектларнинг зарар кўриб ишлаши, банкротлик исканжасига тушиб қолиши каби салбий ҳолатлар олди олинади. Шу билан бирга корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари авваломбор, шартнома интизоми ва шартномавий мажбуриятларнинг ижросига, шунингдек, тўлов интизомига қатъий амал қилиб, вужудга келган кредиторлик қарзларни зудлик билан қоплашлари ва унинг ошиб кетмаслик чораларини кўришлари лозим, албатта.

Хўжалик судлари томонидан иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга нисбатан банкротлик таомилларини қўллашга доир қатор ишлар қилинмоқда. Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, 2004 йилда умумий қарзи юз миллиарддан зиёдроқ сўмни ташкил этган 1742 та, 2005 йилнинг 9 ойида 2602 та истиқболсиз корхона хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилган.

Биргина Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан жорий йилнинг 10 ойи даврида 223 та иқтисодий ночор корхоналар банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш ишлари жараёнида кредиторларнинг 4132,4 млн. сўмлик қарзлари ёпилди. Шу билан бирга, вилоят хўжалик суди томонидан корхонани банкротлик ҳолатига олиб келганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан 3 та жиноят иши, 89 та маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда тугатиш ишларини олиб бораётган суд бошқарувчилари томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этганлиги, улар томонидан суд ҳужжатларини пайсалга солганлиги, шунингдек, процессуал муддатларга амал қилмаганликлари учун 3 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 2 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тақдимномалар киритилди.

Вилоят иқтисодиётида гарчи аграр тармоқ устуворлик қилса-да, ишлаб чиқариш қувватлари, кичик бизнесни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўя олмаётган айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий танг аҳволга тушиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларга нисбатан санация тамойили қўлланилиб, корхонани банкротлик ҳолатидан олиб чиқиш ёхуд иқтисодий соғломлаштириш йўллари қидирилди.

Масалан, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган субъектлардан бири Пахтакор туманида жойлашган «Хўжалик ҳисобидаги автоучастка» корхонасидир. Ташкилотларга автотранспорт хизмати кўрсатувчи ушбу корхона буюртмачилар ишончини йўқотганлиги, бозор иқтисодиётига мослаша олмаганлиги оқибатида молиявий танг аҳволга келиб қолди. Натижада, 2004 йилга келиб автоучастканинг муддати ўтган кредиторлик қарзлари 64 млн. сўмга етди. Бу эса унинг бир маромда фаолият юритишига салбий таъсир этмасдан қолмади.

Шунингдек, корхонани банкротлик ҳолатига олиб келганлиги, мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлиги, жуда кўп миқдорда корхонанинг мол-мулкини талон-торож қилганлиги юзасидан автоучастка раҳбари Р.Ортиқов ва бош ҳисобчи С.Бобобековларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, «а» банди, 205-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Суд жараёнида уларга қўйилган айблов ўз тасдиғини топиб, айбдорларга нисбатан жазо чораси қўлланилди ва келтирилган зарар корхона фойдасига ундирилди.

Ҳозир банкрот деб топилган корхонада йўл қўйилган хатоларни тугатиш ишлари кетаётир. Корхонага тегишли бино мажмуа сифатида оқил тадбиркорлар қўлига ўтди. Бинода Россиядан олиб келинган жиҳозлар ёрдамида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи «Жиззах ёғ» масъулияти чекланган жамият иш бошлади. Айни пайтда корхонада 60 киши иш билан банд. Шунингдек, корхонанинг вилоятдаги икки (Зафаробод ва Арнасой) туманларида кичик шохобчалари мавжуд бўлиб, уларда ҳам ҳозир ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суд амалиётида аризачилар томонидан қарздорни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилганда, аризачилар томонидан аризалар қонун талаблари доирасида расмийлаштирилмасдан ва далилий ҳужжатлар билан етарлича асослантирилмасдан, шу билан бирга, банкротлик ҳолатлари чуқур ўрганилмасдан судга мурожаат этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Таассуфки, бундай камчиликларга доимий равишда мазкур масала билан шуғулланиб келаётган солиқ идоралари томонидан ҳам йўл қўйилаётганлиги ачинарли ҳол. Бу эса, судда аризаларни мазмунан кўриш муддатлари чўзилишига ва тарафларнинг беҳуда оворагарчилигига сабаб бўлмоқда.

Яққол бир мисол: вилоят хўжалик судига 2004 йил май ойида Пахтакор туман Давлат солиқ инспекцияси ариза билан мурожаат этиб, тумандаги «Умид-К» фермер хўжалигини банкрот деб топишни сўради. Судга тақдим этилган аризада аризачи томонидан қарздорнинг жами кредиторлик қарздорлиги 2726,4 минг сўмни ташкил қилиши баён этилган. Лекин, суд томонидан тайинланган кузатув жараёнида қарздорнинг жами қарздорлиги 2649,9 минг сўмни ташкил этишлиги аниқланган. Суд ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилган, яъни қарздорга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақининг беш юз каррасини ташкил этмаганлиги сабабли, аризачининг талабини рад этди.

Шу ўринда амалиёт таҳлиллари, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий манфаатдорлигини янада такомиллаштириш мақсадида **айрим таклиф-мулоҳазаларни** ҳам билдириш жоиз.

Суд амалиётида банкрот бўлган корхоналарнинг тугатилиши жараёни ўрганилганда бу борада қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланмоқда. **Амалдаги қонунчиликда банкрот бўлган корхона мол-мулкини тугатиш комиссиясини кимлардан иборат таркибда тузишнинг ҳуқуқий тартиби мавжуд эмас. Тугатиш ишлари билан фақатгина тугатиш комиссияси раиси, яъни тугатиш бошқарувчисининг ўзи шуғулланмоқда. Ҳаттоки, аксарият тугатиш бошқарувчилари тугатиш комиссиясининг бошқа аъзолари кимлар эканлигидан хабардор эмас. Шу сабабдан, хўжалик судлари тугатиш бошқарувчисининг номзодини тасдиқлаш ҳақида ажрим қабул қилгач, корхонанинг мол-мулкида давлат улуши бор ёки йўқлигидан қатъи назар, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг вилоят бошқармаси тугатиш бошқарувчиси бошчилигида ҳар бир аъзосининг фамилияси, иш жойини кўрсатган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида буйруқ чиқариши, тугатиш комиссияси эса доимий равишда, узоғи билан ҳар ойда икки маротаба тугатиш ишларининг бориши ҳақида бошқарма ва хўжалик судига жорий ҳисобот бериб бориши лозим, деб ўйлайман.**

Айрим ҳолларда корхона тугатилгач, унинг кўп миқдордаги кредиторлик қарзлари қопланмагач, кредиторлар катта миқдорда зарар кўриб қолиши ҳам табиий. Шу сабабдан, **судлар бундай ҳолатда корхона раҳбарининг субсидар жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.** Ушбу тамойилнинг судлар томонидан қўлланилиши — корхона раҳбарининг кредиторлик қарзларни узиш борасидаги масъулиятини сезиларли даражада кучайтирган бўларди.

Шунингдек, айрим ҳолларда банкрот деб эътироф этилган корхонада тугатиш ишларини олиб бораётган суд бошқарувчилари тугатиш ишларини пайсалга солиши, сансалорлик ва процессуал муддатларга амал қилмаслиги, ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан қарздорга, кредиторлар ёки бошқа манфаатдор шахсларга зарар келтириб, қонунбузарлик ҳолатларини олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, судлар томонидан **Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасида назарда тутилганидек, суд бошқарувчиси зиммасига юклатилган вазифалар қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги** суд бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилишига, қарздор кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлигига алоҳида эътибор қаратишлари керакка ўхшайди. Бунда судлар суд бошқарувчиларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га тегишли баҳо берган ҳолда улар томонидан суд ҳужжатларини пайсалга солганлик, процессуал муддатларга амал қилмаслик ҳолларида уларга қонунда белгиланган тартибда (жиноий жавобгарликка қадар) таъсир чораларини қўллаши лозим деб ўйлаймиз.

Банкрот деб эътироф этилган корхонани мулкий мажмуа сифатида сотиб олган ва ходимлар ўрнини сақлаб қолиш шарти билан мажмуани сотиб олган тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида бир қатор имтиёзлар кўзда тутилиши жоиз. **Бундай ҳолатда банкрот корхона мажмуа сифатида сотилмай, бўлиб-бўлиб сотилганда тўланиши лозим бўлган баҳодан 30-50 фоиз миқдорда паст баҳога сотиш — тадбиркорлик суъбектига каттагина имтиёз беради.** Бу эса банкрот корхонани мажмуа сифатида сақлаб қолиш ва ходимларга янги иш ўринлари яратиш имконини берибгина қолмай, банкрот бўлган корхона мол-мулкларининг бўлиб-бўлиб сотилиши ҳамда корхонанинг «таг-томири» билан йўқ бўлиб кетишининг олдини олади.

**Комилжон СИНДОРОВ, Жиззах вилоят хўжалик суди раиси**

**Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан**

**Президентимизнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ўзининг ижтимоий-тарихий аҳамияти билан нафақат марғилонликларни, балки бутун юртимиз аҳлини беҳад қувонтирди. Таъкидлаш лозимки, ушбу қутлуғ айём муносабати билан мамлакатимизнинг зиёли олимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланди. Хусусан, қадим шаҳарнинг ҳақиқий илмий тарихини ўрганиш, халқимизга, шунингдек, дунёнинг тараққийпарвар зиёлиларига бор тарихий ҳақиқатни етказиш, бу муқаддас масканнинг ҳозирги кундаги равнақига назар ташлаш шулар жумласидандир.**

**Биз бу ўринда кўҳна шаҳар ўтмишининг нурли саҳифалари, айниқса, унинг Шарқ ва Ғарбга маълуму машҳур бўлишида улкан ҳисса қўшган тарихий шахслари ҳамда бугунги ҳаётига бир қадар назар ташламоқчимиз.**

# ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ ШАҲАР

### Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳри 2000 йиллик тарихга эга эканлигининг эътироф этилиши мамлакатимизнинг бу гўшаси азалдан қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганини яна бир бор тасдиқлади

Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилон шаҳри қадимдан савдо ҳамда ҳунармандчилик диёри бўлиб жаҳонга танилган. Моҳир усталар пилладан ажойиб тола ажратиб олиб, ундан чиройли шойи матолар тўқишган ва ана шу ранг-баранг, нафис атласлари билан араб, эрон ҳамда юнон савдогарларини асрлар давомида ҳайратга солиб келган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Марғилон ўзининг гўзал матолари билан эмас, балки буюк олимлари, фиқҳшунос алломалари, шоир ҳамда хушовоз ҳофизлари билан ҳам дунёга машҳурдир. Қадимдан илм-фан, ислом маданияти марказларидан бири бўлган бу шаҳар Бухорои шарифдан кейин «Сандиқул-орифин» деб аталган. Бу ерда X-XI асрларда ислом дунёсига таниқли фиқҳшунослар етишиб чиққан. Улардан бири буюк аллома Имом Бурҳониддин Марғинонийдир. Бу аллома шаҳардаги Фурсиддиқ мадрасасида таълим олиб, ўзининг машҳур «Ал-Ҳидоя» асарининг биринчи қисми — «Дафтари аввал»ни шу ерда ёзган.

Президент Ислом Каримов 2000 йил 16 ноябрда Марғилон шаҳрида Имом Марғиноний ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган тантаналарда: **«Марғилон деганда, бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади»,** — деб айтган сўзлари бу заминга берилган юксак эътирофдир.

Дарҳақиқат, Марғилон азал-азалдан одоб-андишали, бағрикенг, меҳнаткаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқи, моҳир ҳунармандлари билан шуҳрат қозониб келган. Географик жиҳатдан Фарғона водийсининг ўртасида жойлашган бу шаҳар Помиру Тянь-Шань тоғлари билан ўралган бўлиб, булоқ сувлари, ширин-шакар мевалари, боғ-роғлари, ям-яшил ўтлоқлари билан етти иқлимга донг таратган.

Марғилоннинг ўтмишда бой маданият ва савдо маркази бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни қадимги Шарқ ва юнон тарихчиларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, айрим манбаларда дунёни забт этган Искандар Зулқарнайн Марғилонда бўлганлиги, унинг қабри ҳам мавжуд эканлиги ҳақида ривоятлар юради. Бу, албатта афсона, аммо ҳар бир афсона замирида маълум ҳақиқат борлиги Марғилоннинг буюк воқеалар жараёнида ёд этилганидан далолат беради.

Марғилоннинг туркий халқлар ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида машҳур тарихчи В.Бартольд «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» номли асарида Қорахонийлар даврида ҳам бу шаҳар йирик аҳоли яшаш жойи ва савдо маркази бўлганлиги ҳақида ёзади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Марғилон Фарғонадаги 8 та шаҳарлардан бири эканлиги, шаҳарнинг ободлиги, ширин мевалари ҳақида сўз юритиб, унинг «аҳли доно», «донаи калон» деб аталувчи анори, «субҳоний» навли ўриги ва қовунлари билан машҳурлигини меҳр билан таъкидлайди.

Марғилоннинг қадимий тарихини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтининг махсус экспедицияси 1994-1999 йиллар давомида Марғилонсой ҳавзасида илмий изланишлар олиб бориб, шаҳар тарихига оид муҳим маълумотларни қўлга киритди. Бу манбалар ва олимларимиз томонидан қилинган илмий тадқиқотлар Фарғона ўлкаси, хусусан, Марғилон шаҳри тўғрисида кенг тасаввурларни беради.

Жумладан, кейинги йилларда Марғилон шаҳрида олиб борилган археологик қазишмалар Марғилонга бундан икки минг йил аввал асос солинганлигини исботлади. Тадқиқотларга кўра, шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бўлиб, уларнинг йўналишларида савдо-сотиқ расталари жойлашган. Шаҳар аҳолиси эса қадим даврлардан атлас тўқиш билан шуғулланиб, бу қимматбаҳо мато нафақат қўшни минтақалар, балки Ғарб ва Шарқда ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Археологик қазув ишлари натижасида Марғилон шаҳрининг ғарбий қисмида жойлашган Машад маҳалласи ўрнида 2000 йил муқаддам йирик шаҳар маркази мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу ерда 20-25 гектарлик майдондан ўша даврга оид қолдиқларни ўз ичига олган маданий қатлам топилди. Ушбу қатламдаги қадимий ашёлар ичида чархда тайёрланиб, махсус бўёқларда нақшлар чизилган нафис сопол идишлар, тошдан ясалган ёрғучоқ (қўл тегирмони), кели ва сурма тошлар, темирдан ясалган найза ўқлари, сопол урчуқ тошлар айниқса эътиборга лойиқдир. Топилган сопол идишлар, уларнинг юқори сифати, идиш шаклларининг хилма-хиллиги ва жуда кўплиги эрамизнинг бошларида бу ерда йирик савдо маркази мавжуд бўлганидан далолат беради. Маълумки, аҳоли зич жойлашган бундай йирик марказларда ўзига хос меъморчилик иншоотлари ҳам бўлиши табиийдир. Бу борада изланиш олиб борган олимларимиз қазишмалар давомида шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган ҳашаматли бино қолдиқларини аниқлашди.

Унинг архитектураси ва қурилмалари бу бино зардуштийлик динига сиғинувчиларнинг ибодатхонаси бўлганлигини кўрсатади. Бинода сақланиб қолган ўчоқлар Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги Султонобод ёдгорлигидан топилган милоддан аввалги III-II асрларга оид оташпарастлар ибодатхонаси ўчоқларига ўхшаш бўлиб, бу ҳам иншоотнинг ўз вақтида оташпарастлар ибодатхонаси бўлганини тасдиқлайди.

Марғилонсойнинг қуйи қисмида олиб борилган археологик изланишлар қадимда бу ерда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва шаҳарсозлик маданияти юксак даражада ривожланганини кўрсатди.

Иккинчидан, милоддан аввалги I ва эрамизнинг I асрларига келиб интенсив сунъий суғориб деҳқончилик қилиш Марғилонсой ҳавзасининг ўрта ва қуйи оқимларини тўлиқ қамраб олади. Шу даврда, яъни бундан 2000 йил аввал Марғилонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб ҳозирги Марғилон шаҳрининг Машад маҳалласида 25 гектар майдонни эгаллаган шаҳар пайдо бўлади. Шаҳарнинг арки, мудофаа деворлари ва ибодатхонаси вақт ўтиши билан бутунлай бузилиб кетган. Милодий VI-VIII асрларда Марғилон шаҳрининг майдони шарқ ва шимоли-шарқ томонга бироз кенгаяди. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдо кенг қулоч ёйиб ривожланади.

Учинчи хулоса шуки, IX-X асрларга келиб Марғилон ёзма манбаларда «Марғинон» кўринишида тилга олинади (Истаҳрий, Муқаддасий). XI асрдан бошлаб зарб қилинган тангалар Марғилоннинг Фарғона ҳаётида муҳим роль ўйнаганлигидан дарак беради. Жанубий Фарғонанинг Сўх ҳудудида тоғ-кон саноатининг тезкорлик билан ривожланиши натижасида Буюк ипак йўлининг жанубий Фарғона (Хўжанд — Риштон — Қува — Ўш) орқали ўтган тармоғи XI асрдан бошлаб Сох — Ҳайдаркон — Ўхна — Қадамжой — Водил орқали ўтиб, Марғилонга келган.

Буюк ипак йўлининг шимолий Фарғона орқали ўтган тармоғи (Хўжанд — Боб — Ахсикент — Қубо) XI-XII асрларда Ахсикентдан сўнг иккига бўлинган: бири «Миён Рудан» («Икки сув ораси») орқали Ўзганд томон йўналган бўлса, иккинчиси Ахсикентдан Қубога эмас, балки Марғилонга борган. Табиий иқлим шароитининг қулайлиги ҳамда Фарғона орқали ўтган Буюк ипак йўлининг шимолий ва жанубий тармоқларининг Марғилон орқали ўтиши ас-Самонийнинг хабар беришича, XI-XII аср бошларида унинг энг буюк шаҳарлардан бирига айланишига олиб келади.

Темурийлар даври ҳамда ундан кейинги асрларда ҳам Марғилон ўз нуфузини сақлаб қолган.

Шундай қилиб, тарихий манбалар ва археологик изланишлар натижалари милоддан аввалги I ва милодий эранинг I асри бошларида Марғилонсой ҳавзасида суғорма деҳқончилик маданияти ҳамда Симтепа каби шаҳар типидаги қароргоҳлар заминида Марғилон шаҳрининг барпо бўлиши ҳамда ривожланиши ҳақида аниқ тасаввурлар беради.



*Суратда: Имом Бурҳониддин Марғиноний мажмуаси.* **М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

*(Давоми бор.)*

**Абдуғаффор ШАРАФИДДИНОВ, Фарғона давлат университети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори**
**Олим ҒОФУРОВ, тарих фанлари номзоди, доцент**
**Ҳасан ПЎЛАТОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

**Шарҳ**

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

## ЭНГ ИШОНЧЛИ, БЕҒАРАЗ, БЕМИННАТ ҲАМКОРЛИКДИР

Хориж матбуотида берилаётган шов-шувлар орасида яна бир ваҳима гап бор. Яъни мабодо, Ўзбекистонда ички тартибсизликлар юз бергудек бўлса, уни бартараф этишда Россия иштирок этармиш. Бу иғво ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас. Ўзбекистон ўзидаги ички тартибни ўзи бошқара оладиган куч-қудратга эга.

Баъзи сиёсатчиларнинг хулосаларида айқаш-уйқаш фикрлар ҳам кўп. Кимларнингдир олдида «Ўзбекистонми ёки демократия» деган муаммо пайдо бўлганида гўё улар демократияни, Россия эса Ўзбекистонни танлаганмиш. Бу демократияни ниқоб қилиб олган мунофиқларнинг даъвоси. Бош айбини бўрк ёпади деганлари шу-да. Ҳеч қачон эски оғиздан янги гап чиққанми? Аввало, Ўзбекистонни демократияга қарши қўяётганларнинг ўзлари демократиянинг асл моҳиятини англаб етишсин. Тазйиқ, ўз йўриғига юритиш, зўрлик, зўравонлик ҳеч қачон демократия қуроли бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Сохта демократлар аввал ўзларига боқиб, сўнгра ноғора қоқишса яхши бўларди.

Энди Россия «демократиядан воз кечиб», Ўзбекистонни танлаганлигига келсак, бу халқаро масалаларда «сендан

(Давоми. Боши 1-бетда)

угина, мендан бугина» қабилида йўл тутиб, ўз манфаатлари йўлида ўзгаларни қурбон қилишга ўрганиб қолганларнинг омадсизликдан кейин айтган гаплари. Ўзбекистон ҳеч қачон Россия билан ёмон маънода рақобатчи бўлмаган. Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ва Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланмасидан олдин ҳам Ўзбекистон Россиянинг яхши маънодаги рақобатчиси эди. Ўз навбатида Россия ҳам Ўзбекистонни бугун топгани ёки танлагани йўқ. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари азалий. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома туфайли эса бу алоқалар сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга, юксак даражага кўтарилди.

Шартнома ўн олтита моддадан иборат. Унинг биринчи моддасида иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш узоқ муддатга мўлжалланганлиги қайд қилинади. Иккинчи моддада томонлардан бирига бошқа бирорта давлат ёки бир гуруҳ давлатлар томонидан қилинган тажовуз ҳар иккала давлатга нисбатан қилинган тажовуз деб тушунилади, дейилади. Бошқа моддаларда ҳам ўзаро ишонч ва бирлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик юридик тил билан лўнда, аниқ ифодаланган.

Бу ҳужжат Россияда ҳам кенг шарҳланмоқда. «Кейинги бир йилда Россия ва Ўзбекистон муносабатларида нималар юз берган бўлса, ҳаммаси ҳужжатда ўзининг мантиқий ифодасини топган» деди мухбирларга берган интервьюсида Давлат думаси депутати, МДҲ мамлакатлари институти директори Константин Затулин ва фикрини ривожлантириб сўзида давом этди: «Иттифоқчилик муносабатлари шуни англатадики, биз минтақада хавфсизликни таъминлаш бўйича маълум мажбуриятлар оламиз. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бизнинг сиёсий, ҳарбий ва бошқа манфаатларимиз ҳам бор».

Шунингдек, Затулин «Россия Ўзбекистоннинг ички ишига аралашиш ниятида эмас» деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шубҳасиз, кузатувчиларнинг талқинлари турлича. Жумладан, Дина Малишеванинг интернетдаги шарҳида шундай дейилади: «Россия билан Ўзбекистон бир-бирига узоқ вақтдан бери интиляпти. Бу интилиш ҳар иккала томон учун ҳам фойдали. Шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон Россияга хайр-эҳсон умид қилиб ёки танлаган йўлидан адашган «айбдор» сифатида «қайтаётгани» йўқ. Бугунги Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ҳарбий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз куч-қудратига таянадиган катта давлат. Ундаги углеводородлар захираси Туркманистондагидан кам эмас. АҚШ Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, Ўзбекистон деярли 600 миллион баррел ҳажмида нефть захираларига эга. Бу Туркманистондаги заҳиралардан анча кўп. Ўзбекистонда газ қазиб олиш ҳам Туркманистондаги даражада. Ўзбекистон ўзида қазиб олинаётган табиий газнинг асосий қисмини қўшни мамлакатларга, шунингдек, Россия ҳудуди орқали Европага экспорт қилмоқда».

Аксарият кузатувчилар ҳамда экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Россиянинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Бу йил икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳажмининг икки миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Айниқса, энергетика соҳасидаги алоқалар тез суръатлар билан ривожланмоқда. Инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик асосан қўшма лойиҳаларга йўналтирилган бўлиб, ҳар иккала томон учун катта аҳамият касб этмоқда. «Газпром» ва «Лукойл» билан ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда. Энди Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Чирчиқ авиаремонт заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналарнинг Россиядаги турдош корхоналар билан ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилади.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида имзоланган шартнома, шубҳасиз, ана шундай манфаатларнинг муштараклиги учун хизмат қилади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

**Иқтисод ва ислоҳот**



# «КЎКПАТАС» ОЛТИНИ

## УЧҚУДУҚДАГИ 3-ГИДРОМЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ 10 ЁШГА ТЎЛДИ

Мустақил юртимиз нафақат пахтачиликда, балки олтин ишлаб чиқариш саноатида ҳам ўзига хос нуфузга эга. Олтин захиралари бўйича жаҳонда тўртинчи, уни қазиб олиш ва қайта ишлашда саккизинчи ўринда туришимизнинг ўзиёқ катта салоҳиятга эга эканлигимиздан далолат.

Агар Навоий вилоятидаги тоғ жинсларини, яъни рудаларини қайта ишлаб, соф маъданлар, олтин ёмбилар оладиган 1- ва 2-гидрометаллургия заводлари иш бошлагандан бери қарийб 35-40 йил ўтган бўлса, Учқудуқдаги 3-олтин саралаш заводи фаолиятига эндигина 10 йил тўлди. Ана шу дастлабки ўн йиллик заводнинг ташкилий-таркибий даврида туб бурилиш ясади. Чунки, тўқсонинчи йиллар ўртасида тоғ жинсларини қайта ишлашга мўлжалланган мазкур корхона ҳали тўла қувватда ишлай олмас, бунинг устига зарур эҳтиёт қисмлар, олтинсозликда асқотадиган ноёб асбоб-ускуналар ҳадеганда топилавермасди.

1995 йил бу ерда илк бор қарийб 2,5 миллион тонна руда қайта ишланди. «Кўкпатас», «Тўғизтов», «Ажибугут» карьерлари ўнлаб туркумдаги замонавий чет эл техника ва технологиялари билан жиҳозланди. Ҳар учала карьер тўла, ягона компьютер тизимига уланди. Шундан сўнг кон рудалари қай тартибда жойлашганлиги ва уларнинг қуйи ҳамда чуқур қатламда эканлиги ҳам компьютерлар ёрдамида ўрганила бошланди. Чунончи, «Биокис» технологиясининг ишлаб чиқилиши эса олтинни актив сульфидли рудаларни оксидлаш йўли билан ажратиб олишда қўл келди. Натижада завод 2 йил ичидаёқ жаҳонга танилди ва қилинган барча харажатлар қоплаб бўлинди.

— «Биокис» технологиясини жорий қилишнинг ўзиёқ иш самарадорлигини 1,5-2 ҳиссага оширди, — дейди **завод бўлим бошлиғи, етакчи мутахассис-муҳандис Владимир Шамин.** — Агар дастлабки йилларда ўртача 2,5-2,7 миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаган бўлсак, айни кезларда бу кўрсаткич йилига 3,5 миллион тоннани ташкил этмоқда.

Дарвоқе, бугун завод жамоаси ўзларининг жонажон корхоналари 10 йиллигини нишонлаш билан бирга ўтган давр ичида 30 миллион тоннадан ортиқ тоғ жинсларини илғор технология асосида қайта ишлаганларини ҳам байрам қилишмоқда. Қизилқумнинг «9999» пробасидаги олтин қуймалари жаҳон бозорлари — Лондон, Вашингтон, Токио биржаларида дунё экспертлари томонидан юқори баҳоланиб, кенг харид қилинаётган экан, демак, унда «Кўкпатас» олтини ҳам ўз ўрнига эга.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили**

# ИБН СИНО ВА САЛОМАТЛИК

## ЁКИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ СИРЛАРИ ҲАҚИДА

**Тиббиёт фани ва унинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Ибн Синонинг 50 дан ортиқ нодир асарларида соғлом турмуш тарзининг саломатликни сақлашдаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.**

**Қуйида биз Ибн Синонинг ҳажм жиҳатдан энг йирик, мазмун жиҳатдан энг мукаммал тиббий асари — «Тиб қонунлари» ва унда баён этилган саломатликни сақлаш тадбирлари ҳақида фикр юритамиз.**

Ибн Сино асарлари орасида «ал-Қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари») китоби (5 жилдлик) тиббиёт илмининг қомуси бўлиб, ўрта аср тиббиёт илми тараққиётининг олий чўққиси ҳисобланади. Чунки Ибн Сино қадимги ва ўрта аср тиббиёти ютуқларини умумлаштириб, уни ўзининг табиблик фаолияти асосида янги босқичга кўтарди.

Ибн Сино вафотидан сўнг 100 йил ўтар-ўтмас бу асар Ғарбий Европа мамлакатларига танилди. Шу асар орқали Ибн Сино бутун жаҳонга машҳур бўлди. Китоб XVII аср ўрталаригача Шарқ ва Ғарб мамлакатларида табибларга тиббиёт бўйича махсус қўлланма бўлиб келган. Бу нодир асар дунёдаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

Асар илк маротаба 1954-1961 йиллар мобайнида ЎзФА Шарқшунослик институти ходимлари томонидан тиббиёт олимлари билан ҳамкорликда арабчадан рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, нашр этилган. Асарнинг иккинчи тўла нашри Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан 1979-1983 йилларда қайта нашр этилди. У ҳозиргача ўз қадр-қимматини йўқотмаган асар ҳисобланади.

«Тиб қонунлари» 5 та китобдан иборат. Биринчи китобда тиббиётнинг умумий назарияси ҳамда инсон анатомияси ва физиологияси ҳақида маълумотлар баён этилган. Касалликларнинг сабаблари, уларнинг белгиларига таъриф берилади.

Иккинчи китобда даволаш учун ишлатиладиган оддий дорилар ҳақида маълумот берилади. Дориларни тайёрлаш ва қабул қилиш усуллари батафсил баён этилади. Бу китобда ўсимлик, минераллар ва ҳайвонотга тааллуқли 811 та «оддий» доринниг рўйхати берилган, шунингдек, бу дорилар араб алфавити тартибида изоҳланган.

Учинчи китобда инсон организмида, яъни миясидан тирноққача бўлган органларда учрайдиган касалликларнинг турлари ҳақида маълумот берилади.

Бу китоб ҳажм жиҳатидан энг каттасидир.

Тўртинчи китоб инсон организмининг умумий касалликларига бағишланган. Юқумли хасталиклар — чечак, қизамиқ, мохов, вабо, турли шишлар, яра, шунингдек, жарроҳлик, турли захарликлар (токсикология), тери касалликлари баёни ва инсон танасининг гўзаллигини сақлаш (косметика) бўйича маслаҳатлар берилади.

Бешинчи китоб табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган мураккаб дорилар ҳақида. Бу дориларни тайёрлаш, ишлатиш, уларнинг инсон организмига таъсири баён қилинган.

Биз ҳақли равишда Ибн Синони соғлом турмуш тарзи таълимотининг асосчиси деб айта оламиз. «Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сақланади ва йўқолгани тикланади». Ибн Сино томонидан берилган бу таъриф бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ибн Сино томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган саломатликни сақлаш тадбирлари қуйидагилардан иборат: киши мижозини мўътадил ҳолатга келтириш; ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни тўғри танлаш; танани (организмни) чиқиндилардан тозалаш; тана (вазнини) тўғри сақлаш; кийимни мослаштириш (танага ва фаслга мос кийимни кийиш); нафас олинадиган ҳавони етарли ва яхши сақлаш; жисмоний ва руҳий ҳаракатлар мутаносиблиги (мўътадиллиги) таъминлаш.

Шулар қаторига Ибн Сино яна мўътадил уйқу ва уйғоқликни ҳам қўшган.

**Буюк аллома соғлиқни сақлаш тадбирларидан биринчи ўринга бадантарбияни, яъни жисмоний ҳаракатларни қўйган. У бадантарбия соғлиқни сақлашнинг энг муҳим ва асосий омили деб ҳисоблаган. Иккинчи ўринга овқатланиш тартибини, учинчи ўринга дам олиш ва уйқуни қўйган.**

Марказий Осиё халқлари орасида, қадим замонлардан буён жисмоний тарбиянинг кураш тури кенг тарқалиб келган. Кураш киши организмини чиниқтиришда катта аҳамиятга эга. Ибн Сино ўз даврида спортнинг бу турига алоҳида аҳамият бериб, унинг ҳар хил турларини ёзиб қолдирган. Масалан, курашнинг бир турини қуйидагича тасвирлайди: «Икки курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибидан қутилишнинг чорасини қилади. Иккинчиси эса, уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади. Бошқа тури: икки курашувчидан бири иккала қўли билан рақибини маҳкам қучоқлаб ўзига тортади ва ёнга ағдаради, бу вақтда биринчи курашувчининг ўнг қўли иккинчи курашувчининг ўнг қўли остидан, чап қўли эса чап қўли остидан ўтиши керак... Кураш ғалабагача давом этади».

Ибн Сино таърифлаган бу кураш бугунги юнон-рум курашига ўхшайди.

Ибн Синонинг ўрта аср шароитида жисмоний тарбия ҳақидаги фикрлари, уни тиббий-илмий томондан асослаб бериши ўша даврда катта аҳамият касб этган бўлса, у ҳозирги даврда, яъни XXI асрда ҳам ўз салоҳиятини йўқотгани йўқ.

**Ибн Сино саломатликни сақлашдаги иккинчи омил — овқатланиш тартиби деб таъкидлаган. Буюк ҳаким овқат сифати ва овқатланиш тартиби тўғрисида жиддий тавсиялар берган: овқат аввало сифатли бўлмоғи (сифатли маҳсулотлардан тайёрланиши), одам мижозига мос бўлиши, маълум тартибда истеъмол қилиниши лозим. У қайси соатларда ва бир кунда неча марта овқатланишга ўрганган бўлса, бу тартибни ўзгартирмаслиги керак. Акс ҳолда, яъни бу тартиб бузилса овқатнинг ҳазм бўлиши қийинлашади ва меъдада касаллик ҳолати келиб чиқади. Ибн Синонинг бу фикри ҳозирги замонда «шартли рефлекс» деб номланган тушунчага мос келади.**

Ибн Сино саломатликни сақлашда хўл мева ва сабзавотларнинг аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтган. Алломанинг таъкидлашича, хўл мева ва сабзавотларни овқатдан олдин истеъмол қилиш ижобий самара беради.

Овқат ҳамма учун, яъни катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бир хилда ва бир миқдорда бўла олмайди. Шунинг учун овқат меъёри (нормаси) кишиларнинг ёшига, жинсига ва меҳнатининг оғир-енгиллигига, касбига қараб турлича тузилган.

Иқлим шароитига қараб овқатланиш муҳим аҳамиятга эга. Ёзда овқат ейишнинг энг яхши вақти ҳавонинг салқин чоғидир. Бунинг боиси шундаки, кун жуда исиган пайтда — тушликда иштаҳа пасаяди, меъда шираси ажралиши камаяди ва унинг ҳазм қилувчи кучи сусаяди. Қиш фаслида кучли, донли маҳсулотлардан тайёрланган таомлар меъёри билан истеъмол қилиниши лозим.

Ибн Сино ёзишича, уйқу саломатлик учун зарур бўлган омилларнинг учинчисидир. Уйқунинг энг фазилатлиси тўлиқ давомли ва чуқур тунги уйқудир. Кундузги уйқу кишини бўшаштиради.

Инсон саломатлигини сақлашда сув ва ҳавонинг тоза бўлишига алоҳида аҳамият берган олим: **«Сув билан ҳаво мусаффо бўлса, инсон 1000 йил яшаши мумкин»** деган хулосага келади.

Олим инсон саломатлигининг яна бир муҳим омили руҳий ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг ёзишича, асабнинг мўътадил бўлиши киши соғлигида етакчи ўрин эгаллайди. Асаб бузилиши эса касалликка олиб келади.

Қисқаси, барча инсонлар учун мутаносибликнинг ва саломатликнинг ягона чегараси, ўлчови бир хил бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир одам ўз тана тузилиши, саломатлиги даражаси, танасининг ички ва ташқи имкониятларидан, руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзи учун соғлом турмуш тарзини белгилаб олиши, унга ўрганиши, мунтазам амал қилиши лозим.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,**
**Маъмура СУЛАЙМОНОВА,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқитувчилари**

# XORIJDA

## МУДДАТИДАН ТЎҚҚИЗ ОЙ АВВАЛ



Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва «Авода» партияси етакчиси Амир Перец учрашиб, парламент сайловларини муддатидан 9 ой аввал, яъни 2006 йил февраль ёки мартда ўтказиш ҳақида келишиб олдилар. «Бош вазир ёрдамчисининг айтишича, сайловнинг аниқ куни ҳозирча белгиланмади, — дейилади «Ha'aretz» газетаси ахборотида. — У бошқа партия етакчилари билан учрашувдан сўнг аниқланади».

Шарон куни кеча «Шинуй» партияси етакчиси Йосеф Лапид билан ҳам учрашди, якшанбада эса ҳукумат коалицияси таркибидаги бошқа рақиблари билан музокара ўтказади.

«Авода» партияси коалиция ҳукумати таркибидан чиқишни мўлжаллаб турибди. Унинг бу қарорини Шарон масъулиятсизлик деб атади. «Барибир эртами-кечми сайлов бўлиши керак. Коалицияда озчилик тарафдорлар билан ҳукуматни узоқ бошқариш ниятим йўқ» дея Шарон ўз нуқтаи назарини билдирди.

## ПАРЛАМЕНТ МАЪҚУЛЛАДИ ВА...



Франция парламентининг юқори палатаси — сенат аъзолари мамлакат кўчаларида деярли уч ҳафтадан бери давом этаётган тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида 9 ноябрь куни қабул қилинган 12 кунлик фавқулодда ҳолат чорасини яна уч ойга узайтириш ва бу ҳақдаги янги қонун лойиҳаси учун овоз бердилар. «Le Monde» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, ўнг консерваторларнинг 202 нафари фавқулодда ҳолат муддати узайтирилишини ёқлаб овоз берган бўлса, сўл мухолифатнинг 125 нафар сенатори қарши фикр билдирди.

Фавқулодда ҳолат муддати узайтирилишини аввалроқ парламентнинг қуйи палатаси ҳам маъқуллаган эди.

Янги қонун лойиҳаси 21 ноябрдан кучга киради ва у келгуси йил февраль охиригача амалда бўлади.

Қабул қилинган фавқулодда ҳолат тўғрисидаги янги қонунга кўра, эндиликда маҳаллий маъмурият ўз ҳудудларида комендантлик соатларини жорий этишлари, полиция эса суднинг махсус қарорисиз ҳам уйларда тинтувлар ўтказиши мумкин. Бундан ташқари фуқароларнинг кўчаларда митинглар уюштириши ва умуман, бошқа оммавий тадбирлар ҳам вақтинча чекланди.

## ЙИЛИГА ЎН УЧ МИЛЛИОН ГЕКТАР

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги дастури мутахассислари Римда эълон қилган манбаларга асосланиб «Reuters» ахборот агентлиги маълум қилишича, она Ер сайёрамизда йилига 13 миллион гектар ўрмон инсоният томонидан кесиб йўқ қилинар экан. 229 та мамлакатда БМТ мутахассислари олиб борган кузатувлардан сўнг шундай хулосага келинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда ўрмонларни кесиш сезиларли даражада камайган. Масалан, 1990 йилдан 2000 йилгача йилига 8,9 миллион гектар ўрмон йўқ қилинган бўлса, 2000 йилдан 2005 йилгача бу рақам йилига 7,3 миллион гектарни ташкил этган. Бунга давлатларнинг ўрмон хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш, ўрмонлар кесилишини назорат қилиш ва чеклаш бўйича қатъий саъй-ҳаракатлар олиб бораётгани бош омил бўлмоқда.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги дастури маълумотларига кўра, бугунги кунда Ер шарида 4 миллиард гектарга яқин ўрмон мавжуд бўлиб, бу дунё қуруқлигининг 30 фоизига тенгдир. Унинг учдан икки қисми 10 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Улар орасида Бразилия, Ҳиндистон, Индонезия, Канада, Хитой, Россия ва АҚШ сингари давлатлар бор.

Яна бир гап. 2000 — 2005 йиллар давомида энг кўп ўрмон Жанубий Америкада йўқ қилинган — йилига 4,3 миллион гектар. Ундан кейинги ўринни Африка эгаллаган — йилига 4 миллион гектар. Европада эса аксинча, бу даврда ўрмонлар миқёси кенгайган. Осиёда ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. 2000 йилгача Осиёда йилига 800 минг гектар ўрмон йўқ қилинган бўлса, эндиликда йилига 1 миллион гектар ўрмонзор барпо этилмоқда. Айниқса, Хитойда бу кўрсаткич жуда юқори.

## ЯНГИ АЪЗОЛАРНИ ЖАРИМАЛАР КУТМОҚДА



Еврокомиссия ўтган йили 1 майда ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кирган бир қанча давлатларни омборларида меъёрдан ортиқ йиғилиб қолган маҳсулотлар захираси учун иқтисодий жарималарга тортишни мўлжаллаб турибди. Жумладан, Латвия 15,1 миллион евро миқдоридаги жаримага лойиқ. Аммо Латвия ҳам бўш келмоқчи эмас. Агар Еврокомиссия шундай қарор қабул қилса, Латвия халқаро судга арз қилмоқчи. Бу ҳақда Латвиянинг зироатчилик вазири Мартиныш Розе «Росбалт» ахборот агентлигига маълум қилди. Латвия фақат шакарнинг меъёрдан ортиқ захираси учун еврокомиссарлар томонидан билдирилган эътирозларни тан олмоқда.

Еврокомиссиянинг фикрича, жаримага тортиладиган давлат биргина Латвия эмас, бунинг устига қўлланадиган жарима миқдори бўйича бу мамлакат биринчи ўринда эмас. Бу борада Польшага етадигани йўқ. Унга 136,1 миллион евро миқдорида жарима қўллаш кўзда тутилмоқда. Иккинчи ўринда Эстония турибди. «Eesti Ekspress» нашри берган маълумотларга кўра, мамлакатда 1350 тонна спиртли ичимлик меъёрдан ортиқча ушлаб турилибди. Аввалроқ Европа Иттифоқи бу давлатга меъёрдан ортиқча шакар учун 700 миллион крон миқдорида жарима солган эди. Бу сафар у 23,6 евро миқдоридаги маблағидан айрилиши мумкин. 17,2 миллион евролик жаримага тортилиши мумкинлиги муносабати билан Литва учинчи ўринни ишғол қилиб турибди.

Мазкур жарималар кучга киритилиши ҳақида якуний гап келгуси йил май ойида бўладиган Еврокомиссия мажлисида айтилади.

## ҚЎРИҚЛОВ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Маълумки, Чеченистонда 27 ноябрь куни парламент сайловлари бўлиб ўтади. Республика Сайлов комиссияси раиси Исмоил Бойхоновнинг «Новости» ахборот агентлигига маълум қилишича, мавжуд 430 та сайлов участкаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қаттиқ қўриқланмоқда.

Пайшанбадан эътиборан Чеченистондаги барча мактабларнинг ўқувчилари таътилга чиқарилди. Сайлов бўлиб ўтгач, таътил ҳам тугайди.

Ҳозир уч хил рангдаги (бири парламентнинг юқори палатаси — Республика кенгаши учун, бири қуйи палата — Халқ мажлиси учун, яна бири партиялар рўйхатлари бўйича овоз бериш учун) сайлов бюллетенлари тайёрланиб, сайлов участкаларига тарқатилган.

Чеченистон парламентининг Республика кенгашига 18 депутат, Халқ мажлисига 40 нафар депутат сайланади. Шу 58 та ўрин учун 353 номзод кураш олиб бормоқда.

## САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Шри-Ланкада президент сайлови бўлиб ўтди. Мамлакат мустақилликка эришганидан бери биринчи бор сайлов тинч ўтиши, дея ҳабар беради «France Press» ахборот агентлиги.

Давлат раҳбарлиги учун 13 номзод даъвогар. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, фақат икки кишининг ғалаба учун имконияти кўпроқ, яъни амалдаги бош вазир, «Шри-Ланка озодлиги партияси» етакчиси Махиндра Ражапакс ва собиқ ҳукумат бошлиғи, «Бирлашган миллий партия» етакчиси Ранил Викремасингхнинг (агар номзодларнинг бирортаси 50 фоиз сайловчининг овозини ололмаса, иккинчи тур сайловлари ўтказилади).

Ғалаба қилишга имконияти кўпроқ бўлган бу икки номзоднинг алоҳида жиҳати шуки, улар тамил сепаратчилари билан тинч музокаралар ўтказишга муваффақ бўлди.

Маълумки, мамлакатнинг шимоли ва шимолий-шарқида ўз назоратини ўрнатган тамил сепаратчиларининг «Тамил илам» озодлик йўлбарслари» ташкилоти 20 йилдан ортиқ вақтдан бери ҳудудга мухторият берилишини талаб қилиб, қаршиликлар кўрсатиб келмоқда. 1984 йилдан бери давом этиб келаётган фуқаролар уруши натижасида 65 миллион киши ҳаётдан кўз юмган.

2002 йил февралдагина халқаро ҳамжамият аралашуви натижасида икки томон, яъни ҳукумат ва тамил сепаратчилари ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим имзоланган. Аммо жорий йилнинг ёзида икки томон бир-бирини битим шартларини бажармаётганликда айблади. Августда эса мамлакат ташқи ишлар вазири ҳаётига қасд қилинди. Шундан сўнг Шри-Ланкада фавқулодда ҳолат жорий этилди.

Амалдаги президент Чандрика Кумаратунга хоним мамлакатни икки муддат давомида бошқарди. Шри-Ланка қонунчилигига кўра, учинчи муддатга сайланиш мумкин эмас.

## ЭМЛАШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқумли касалликлар департаменти раҳбари Ци Сяоцю Сянганда чоп этиладиган «South China Morning Post» газетасига берган интервьюсида таъкидлашича, мамлакатда «парранда гриппи» вируси билан зарарланган биринчи бемор қайд этилди. У Хунан музофотида яшовчи 9 ёшли бола бўлиб, унинг 12 ёшли опаси ҳам айнан шу ташҳис билан шифохонага октябрь охирида ётқизилган. Қиз яқинда оламдан ўтди. Бу ўсмирларнинг қонидан намуна Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига таҳлил учун юборилди. Агар улар ҳам буни тасдиқласа, Хитойда инсоннинг «парранда гриппи» билан зарарланиши биринчи воқеа сифатида расмий қайд этилади.

BBC News берган хабарга кўра, Хитой маъмурияти мамлакатдаги барча уй паррандаларини бошма-бош эмлаб чиқиш тадбирини бошлашга қарор қилди.

Хитойнинг бош ветеринария шифокори Цзя Юлинанинг айтишича, 14 миллиарддан ортиқ парранда эмланади.

✧✧✧

Ушбу хабар ҳам айнан «парранда гриппи» воқеаси билан боғлиқ.

«Парранда гриппи» хавфи кучайиб бораётгани муносабати билан Европа Иттифоқи ўзига аъзо давлатлар ҳудудига четдан тирик парранда



олиб кирилиши бўйича тақиқлов чораси муддатини яна узайтирди, яъни 2006 йил 31 январгача қилиб белгилади. Бу тақиқлов уй паррандалари учун жорий этилмайди.

Маълумки, шу йил октябрда Жанубий Америкадан Буюк Британияга олиб келинган тўтиқушнинг H5N1 вируси билан зарарланганлиги аниқланганидан кейин 25 октябрдан 30 ноябргача қушлар импортига тақиқлов эълон қилинган эди.

Спорт



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган асосий таълим муассасасидир. Бу даргоҳ ўтган ярим аср мобайнида йигирма минг нафарга яқин мутахассис тайёрлади. Институт нафақат соҳа йўналишлари бўйича фаолият кўрсатувчи ташкилотлар учун кадрлар етиштириб беради, балки халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам мутахассислар билан таъминлайди. Айни пайтда мазкур маскан битирувчилари — ўқитувчилар, мураббийлар, ташкилотчилар, йўриқчи ва услубчилар юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишмоқда.

Институтда бакалавриатура, магистратура ва аспирантура ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослашган илмий кенгаш ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда мазкур йўналишларда юқори натижаларга эришилмоқда. Институт жамоаси республикамиз олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факультетлари учун мўлжалланган таълим дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа зарур ҳужжатларни ишлаб чиқишга кўмак бераётир.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида таълим-тарбия жараёни юқори малакали профессор-ўқитувчилар зиммасига юкланган бўлиб, ушбу жараён илғор технологиялар, масофавий таълим ва интернет тармоқларига уланган компьютер воситалари асосида олиб борилади. Агар институт ташкил топган дастлабки йилларда кафедраларда 27 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатган бўлса, улардан фақат тўрт нафари илмий даража ва унвонга эга эди. Ҳозирда эса бу илм даргоҳи 4 та факультет, 19 та кафедрадан иборат бўлиб, уларда 144 нафар ўқитувчи, шу жумладан, 12 фан доктори ва профессор, 46 нафар доцент ва фан номзодлари, 10 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий фаолият юритмоқда.

Ўз даврида ушбу масканда Геннадий Красницкий, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Миржалол Қосимов (футбол), Светлана Бабанина (сузиш), Руфат Рисқиев, Артур Григорьян, Рустам Саидов (бокс), Венера Зарипова (бадиий гимнастика), Лина Черязова (фристайл), Оксана Чусовитина (спорт гимнастикаси), Собир Рўзиев (қиличбозлик) сингари спорт юлдузлари таҳсил олиш билан биргаликда халқаро майдонларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишганлиги алоҳида эътирофга сазовордир. Бу анъана айни чоғда ҳам давом этмоқда. Институт талаба-ёшларининг аксарияти спорт усталари, халқаро тоифадаги спорт усталари, хизмат кўрсатган спорт усталаридир. Уларнинг кўпчилигини мамлакатимиз терма жамоалари таркибидан жой олган, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида юқори поғоналарга кўтарилган моҳир спортчилар ташкил қилади. Мисол учун, таълим даргоҳининг биргина яккакураш спорт турлари факультетида таҳсил олаётган 150 нафар йигит-қиз Ўзбекистон терма жамоалари аъзоларидир. Улардан қирқ нафари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа нуфузли халқаро турнирларнинг ғолиб ҳамда совриндорлари саналади. Факультетнинг С.Борзов, Ю.Борзова, Д.Соцкий, Д.Стрижков, М.Тарасов (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), О.Сидоров, А.Морковин (сузиш), Н.Микрюкова (таэквондо-ВТФ), И.Халилов (оғир атлетика), Е.Хилько (трамполин) каби ўн нафар спортчи-талабаси 2004 йилда Афинада уюштирилган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди. А.Улуғов, И.Раҳимов, Д.Рўзиев (бокс), И.Сагиров (самбо), Д.Ҳазратова (кураш)лар эса шу йил ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида олтин медалларга сазовор бўлдилар.



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ — 50 ЁШДА

Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб катта байрам тадбири ўтказилди. Унда талабалар, профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, мамлакатимиз олий даргоҳлари ректорлари, хорижий меҳмонлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларга ғамхўрлик, республика таълим тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз раҳбарига самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев сўзга чиқди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



***Суратларда:** институт ҳаётидан лавҳалар.*

Журналнинг янги сони

# «МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА



Янги сон Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Бўритош Мустафоевнинг «Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни қадимги Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг давлатчилик тажрибасини, халқимизнинг ўз давлати ҳақидаги асрий орзуларини ўзида тўлиқ акс эттирган» деган фахрли сўзлари билан очилган. Қолаверса, муаллиф ўз мақоласида Асосий Қонунимиз фуқароларимизга берган демократия ва адолатга атрофлича тўхтаб ўтади.

Шунингдек, янги сонда Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва ХДП Марказий Кенгаши Пленуми материаллари ҳам эълон қилинган. Файласуф олим, профессор Қўчқор Хоназаровнинг «Маънавий инқироз — терроризмнинг ҳаракатлантирувчи кучи» мақоласида Халқаро терроризмнинг аянчли кирдикорларини, унинг инсониятга қилаётган таҳликали тажовузларини очиқ-ойдин очиб беришга ҳаракат қилган. Санъатшунос Абдували Эгамбердиевнинг «Шарқнинг буюк мусаввири» мақоласи улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланади. Мақолада муаллиф Беҳзоднинг «Отаси Мажнун ҳузурида», «Баҳром хазина устидаги аждарни ўлдирмоқда», «Самарқандда масжид қурилиши» лавҳаларига тўхталиб ўтган. Шунингдек, Ҳамиджон Ҳомидийнинг «Ҳар жабҳада саркор» деб номланган суҳбати атоқли шарқшунос, адабиёт фидойиси, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов ижоди хусусидадир. Профессор Бойназар Йўлдошев ўз мақоласида Қашқадарё воҳаси ижодкорлари адабий муҳитига ўзига хос йўсинда назар ташлайди. Ушбу истеъдодлар она замин ва давр нафаси таъсирида қалам тебратганларини ишонарли тасвирлайди.

Ўзбекистон Халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Ургут уламолари» бадиасида шоир ўзи дунёга келган қишлоқ ва шу заминнинг меҳнатсевар одамлари, истеъдодли кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

М.Муҳиддиновнинг «Муҳаббат — покловчи куч», П.Равшановнинг «Қарши қалъаси», тарихшунос Р.Бойтуллаевнинг «Самарқанд арки», А.Пардаевнинг «Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарига шарҳ», доцент С.Ғозиевнинг «Қул Убайдий» мақолалари ўзининг ўқишлилиги, долзарблиги билан ажралиб туради.

Дарвоқе, санъатшунослик фанлари номзоди Болтабой Шодиевнинг «Умумхалқ байрамлари» ва Ғулом Раҳмоновнинг «Ҳис-туйғу юксакми, ақлми?» мақолалари ҳам журналхонда қизиқиш уйғотиши табиий.

Шунингдек, шоир Мурод Раҳмоннинг оҳори тўкилмаган қўшиқбоп шеърлари шеърият ихлосмандлари қалбида жўшқинлик ва ғайрат алангасини ёқиб юборса ажаб эмас.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

## БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Шу кунларда Хитойнинг Мианьянг шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида XIII жаҳон чемпионати давом этмоқда. Унда дунёнинг саксон етти давлатидан саккиз юздан ортиқ «чарм қўлқоп» устаси ғолиблик учун рингга чиқяпти. Мазкур нуфузли мусобақага Ўзбекистон терма жамоаси ўн бир вазн тоифаси бўйича тўлиқ таркибда жўнаб кетганди.

Чемпионат баҳсларида тажрибали мураббий Шароф Худойбердиев шогирдлари муносиб иштирок этишмоқда. Кеча айрим вазн тоифалари бўйича чорак финалчилар номи маълум бўлди. Илк учрашувда ўз вазн тоифасида қозоғистонлик Миржан Раҳимжонов (54 кг.)ни очколар ҳисобида мағлубиятга учратган Баҳодиржон Султонов учун кейинги учрашувлар ҳам муваффақиятли кечди. Ҳамюртимизга навбатдаги баҳсларда Золт Бедака (Венгрия) ва Вон Гук Ким (Жанубий Корея)лар рақиб бўлди. Ҳар икки учрашувни ҳам ғалаба билан якунлаган Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳодиржон Султонов энди чорак финалда Куба вакилига қарши рингга чиқади.

Иқтидорли боксчиларимиздан бири Абдуғаффор Умаров (60 кг.) дастлаб австриялик Леонардо Заппавиньюни яққол устунлик билан енгганди. Иккинчи учрашувда у Амер Агбарий (Исроил)ни мағлуб этиб, чорак финалга чиқди.

Шунингдек, Хитой рингларида вакилларимиздан Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.), Жасур Матжонов (91 кг.) ҳамда Рустам Саидов (+91 кг.)лар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, ҳозиргача барча рақибларини енгди. Аммо, мусобақада ўз вазн тоифаларида юртимизнинг биринчи рақамли боксчилари, деб эътироф этилган Фозил Файзиев (48 кг.), Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Беҳзод Хидиров (57 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.)лардан эса омад юз ўгирди.

Россиялик миллиардер, «Челси» футбол клубининг соҳиби Роман Абрамович жамоанинг кейинги учрашувлардаги мағлубиятлари сабабларини ўрганишга қарор қилди.

## РОССИЯ МИЛЛИАРДЕРИНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Гап шундаки, «Челси» сўнгги беш ўйинда бир ғалаба, бир дуранггa эришиб, уч ўйинни бой берган.

«Челси» клуби раҳбари ўзининг вакилларини сафарга жўнатди. Унинг нияти ҳар бир футболчи билан алоҳида суҳбат қуриш, уларнинг кайфиятини ўрганиш ва мағлубият сабабларини билишдан иборат. Лекин «Челси» футболчилари чемпионат мобайнида учрашувларни мағлубиятсиз ўтказишга ҳаракат қилишган. Хусусан, улар 40 та учрашувда мағлубият нималигини билишмади. Фақат «Манчестер Юнайтед» бу «анъана»га биринчи бўлиб путур етказди. Ўшанда «Челси» ўз дарвозасидан битта тўп ўтказиб юборганди.

«Челси» клубининг бош мураббийи Жозе Моуриньонинг руҳи баланд. У жамоани бу сафар ҳам чемпионликка олиб чиқишга ваъда бермоқда.

## ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Футбол бўйича 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этувчи 32 терма жамоа номи маълум бўлди. 16 ноябрь куни уюштирилган плей-офф босқичининг жавоб учрашувлари қолган бахтли беш терма жамоани аниқлаб берди.

Осиё минтақаси саралаш ўйинларида мамлакатимиз футболчилари билан икки ўйинда дуранг (1:1, 0:0) ўйнаб, кейинги босқичга йўлланма олган Баҳрайн терма жамоаси бу гал Тринидад ва Тобаго вакиллари билан куч синашди. Ушбу жамоаларнинг 12 ноябрь куни Порт-офф-Спэйн шаҳрида ўтган дастлабки баҳсида 1:1 ҳисоби қайд этилганди. Шундан сўнг, кўпчилик баҳрайнликларни жаҳон чемпионати йўлланмасини нақд қилди, дея башорат қила бошлади. Бироқ, Манамада бўлиб ўтган жавоб учрашувида Тринидад ва Тобаго футболчилари қитъамиз вакиллари умидларини чипакка чиқарди. Учрашувнинг 50-дақиқасида Деннис Лоуренс томонидан киритилган ягона тўп КОНКАКАФ минтақаси терма жамоасига жаҳон чемпионати эшикларини очиб берди. Шундай қилиб, тринидадликлар ўз тарихларида биринчи бор дунё катта футбол байрамида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ҳал қилувчи плей-офф босқичининг қолган тўрт учрашувида қуйидаги натижалар қайд этилди:

**Австралия** — Уругвай — 1:0 (биринчи ўйин — 0:1). пенальтилар бўйича — 4:2.

Словакия — **Испания** — 1:1 (1:5); **Чехия** — Норвегия — 1:0 (1:0).

Туркия — **Швейцария** — 4:2 (0:2).

Энди Германия, Хорватия, Чехия, Англия, Франция, Италия, Голландия, Польша, Португалия, Сербия ва Черногория, Испания, Швеция, Швейцария, Украина, Аргентина, Бразилия, Эквадор, Парагвай, Ангола, Гана, Кот-д'Ивуар, Того, Тунис, Эрон, Япония, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Коста-Рика, Мексика, Тринидад ва Тобаго, АҚШ, Австралия терма жамоалари иштирокида ўтадиган жаҳон чемпионати баҳсларига шу йилнинг 9 декабрида Лейпциг шаҳрида қуръа ташланади.


BANK
XALQ BANKI

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда янги

**«МАРВАРИД», «ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ»** ҳамда **«ФАРОВОН»** омонат турларини таклиф этади.

**«Марварид» —** қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой, фоиз даромадлари йиллик **36%,** бошланғич бадал **100 000 сўм,** омонатчи хоҳишига кўра ҳар ойда фоиз даромадларини олиши мумкин.

**«Янги йил совғаси» —** қисқа муддатли, пул ютуқли, сақлаш муддати 3 ой, бошланғич бадал **10 000 сўм.** Ютуқлар тиражи 2006 йилнинг январ ойида Нукус шаҳрида ўтказилади, энг катта ютуқ миқдори **1 000 000 сўм.**

**«Фаровон» —** қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой, фоиз даромади йиллик **35%,** бошланғич бадал **100 000 сўм.**

Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!


Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ҚАРЗДОРЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Қарздорлик ёмон. Ёмонлиги шундаки, аввало қарз берганнинг олдида мулзам бўласан. Ишинг юришмайди — қарз юки босади, яхши муносабатинг ёмонга айланади. Яна қарзни узмаслик шу билан ёмонки, пулини ўз вақтида ололмаган қарз берувчи ёхуд иш бажарувчи ҳам танг аҳволда қолиши мумкин. Битта мисол келтирамиз: Тошкент туманидаги «Келес АТП» ОТАЖнинг бошқа корхона ва ташкилотлардан қарзи 66 миллион 856,2 минг сўмдан ошиб кетди. Энг катта қарздоридан бири — «Метроқурилиш»га қарашли 1-Қурилиш-таъмирлаш бошқармаси (1-СМУ) ва 2-туннел қурилиш бўлинмаси (2-ТО) уч йилдан буён корхонанинг 38 миллион 274 минг сўмдан ошиқ маблағини тўламай келаётганини қандай баҳолаш мумкин? Тошкент ва Сирдарё вилоятидаги қатор фермер хўжаликлари ҳам автокорхонадан қарздор. Уларга пахта терим мавсумларида корхона автобуслари хизмат кўрсатган.

Хўш, бундай дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига сабаб нима?

— Ўтган йили туманда 38 минг 43 тонна пахта, 17,5 минг тонна ғалла тайёрланган эди. Пахта тайёрлаш режадагидан 3 фоиз кам бўлса-да яхшигина даромад қилдик, — дейди Оққўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари Иброҳим Исмоилов. — Шунга қарамай тан олишимиз керак, «Келес АТП» ОТАЖдан бугунгача туманимиздаги ширкат ва фермер хўжаликлари 9,2 миллион сўм қарздор.

Қишлоқ хўжалиги учун маблағларнинг мақсадли келаётганлиги мазкур ташкилотнинг қарзини узишимизда қийинчилик туғдирмоқда. Қолаверса, ширкат ва фермер хўжаликларимизнинг тайёрлов корхоналарида маблағлари ётибди. Масалан, «Тошкент вилоят дон маҳсулотлари» идорасида. Улар бу йилги эмас, ҳатто ўтган йилги ғалла пулларининг аксарият қисмини тўлашмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзининг ҳосил бўлганлиги учун тижорат банкларининг раҳбарлари корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбари билан биргаликда шахсан жавоб берадилар» дейилган. Шу мақсадда «Келес АТП» ОТАЖ ҳисоб рақами жойлашган Келес шаҳридаги «Савдогарбанк» филиали бошқарувчиси Улуғбек Йўлчиевга мурожаат қилдик.

— Янглишмасам, бу корхона вилоятдаги энг яхши автожамоалардан ҳисобланади, — дейди у. — Албатта, автокорхонада юзага келган мавжуд дебиторлик қарзларига панжа орасидан қараб бўлмайди. Чунки, бола-чақа боқиш учун ишлаётган ҳар бир киши ойлаб оилага пул олиб келмаса, оқибатини яхши биламиз. Мазкур корхона ҳам худди шундай. У ерда ҳам 200 нафардан ошиқ киши меҳнат қилади. Биз мазкур жамоага қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз...

Хуллас, «Келес АТП» ҳозир танг аҳволда қолган. Яхшигина кўрсаткичга эришиб келаётган жамоанинг 89 та автобусидан ярми эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли ишламай ётибди.

— Кўрсатилган хизмат ҳаққини ололмаётганимиз сабабли имкониятларимизни тўла ишга сололмаяпмиз, — дейди куюниб «Келес АТП» ОТАЖ бошқаруви раиси Шоислом Шомаҳмудов. — Агар бу ҳолат юз бермаганида ишимиз анча юришарди. Ҳеч бўлмаганда аҳолига транспорт хизмат кўрсатишни бироз арзонлаштиришга эришардик. Пул йўқлигидан янги техника сотиб олиш тугул, техникаларга эҳтиёт қисмлар харид қилиш ҳам муаммо бўлиб қолди. Устига-устак қарзларни ундириш учун хўжалик судларига фалон сўмлаб давлат божи тўлашга тўғри келаяпти. Бу бизга яна қўшимча харажат ва оворагарчиликдан бошқа нарса эмас.

Қарзни тўламаслик қадимдан халқимизда гуноҳ ҳисобланган. Лекин қарздорлик энг аввало ҳуқуқий муносабат. У келтирган зарарнинг ҳисобкитоби бўлади, қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


*ОАО «Темирйўлтаъмин» извещает об утере свидетельства на земельный участок кадастровый номер 1894368640 от 20.02.02 г., по адресу г.Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Саади, д 27.*


ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши кенгаш раиси муовини Машҳура Қўчқоровага турмуш ўртоғи **Мурод ҚЎЧҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 854
6460 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 21.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda